

## ЭГРИ СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА РАҚАМЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна

ТДИУ таянч докторанти

ДТПИ ўқитувчиси

E-mail: [shaxnozaabdulhaeva061@gmail.com](mailto:shaxnozaabdulhaeva061@gmail.com)

Тел: +998902467655

### ARTICLE INFO.

ҚҚС. солиқ назорати, солиқ тизими, эгри солиқлар, солиқ карзи, корхона, давлат бюджети, рақамли ҚҚС, рақамли технологиялар, фойда, соф фойда.

### ABSTRACT

Муаллифнинг ушбу илмий тадқиқотида рақамлаштириш орқали эгри солиқларни ундиришни такомиллаштиришга қаратилган, чунки солиқларни рақамлаштириш ҚҚС механизмининг беҳато ишлашини таъминлаш, ҚҚС тизимида фирибгарлик ва хатоликлар хавфини камайтиш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш, ҚҚС манфий тафовути суммаларини қайтариш жараёнини соддалаштириш, эгри солиқ юқини камайтириш, вақт ва харажатларни қисқартириш имконини беради.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/>©2024LWAB.

### Кириш (Introduction)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116 сонли фармони (18.07.2017 й.) солиқ маъмурчилигини такомиллишувига имкон яратмоқда. Фармонга солиқ тизимида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш устувор вазифаси ҳисобланади. Эгри солиқларни, жумладан ҚҚС ни рақамлаштириш бўйича бир қанча ислохатлар қилиниб, солиқнинг ягона автоматлаштирилган тизими (ҚҚС тўловчилари реестри) жорий қилинган, шунингдек ҚҚС манфий тафовут суммаларини қоплаш “[my.soliq.uz](http://my.soliq.uz)” портали орқали ҚҚС тўловчилари электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланилади. «Электрон давлат хизматлар» портали «Солиқ» ахборот тизимлари комплексини солиқ солиш соҳасида интерактив хизматларни кўрсатиш учун интеграция қилиш лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади

—давлат солиқ хизмати органлари томонидан аҳоли ва бизнесга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини оптималлаштириш, уларнинг сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва натижада солиқ тўловчиларнинг хизматлардан фойдаланиш даражасини оширишдан иборат<sup>1</sup>.

Қисқа давр ичида Давлат солиқ кўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш маркази асосида алоҳида инфратузилма, маълумотлар базаси ва уларни бошқаришда қўлланиладиган дастурий махсулотлар яратилди. Электрон хизматларни бошқариш, уларнинг сифат кўрсаткичларини мониторинг қилиш, фойдаланиш статистикасини шакллантириш ҳамда вертикал назорат олиш бориш учун махсус ахборот тизимлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда ЭХФлар (Электрон ҳисоб-варақ-фактура) қўлланилиб, уларнинг сони 12,1 млн.дан кўпроқ.

Мамлакатимиз солиқ тизимига янги технолологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш учун маълумотларни сақлаш учун “Mongo sharding” (sharding key by TIN) дастури, шунингдек маълумотларни хотирада сақлаш учун “Redis” (Remote Dictionary Server) дастури, ҳамда “RabbitMQ” маълумотлар тезкор алмашинуви учун жуда муҳим ҳисобланди.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)**

Рақамлаштириш - бу шунчалик кенг кўламли ҳодисаки, уни тегмаган тармоқни топишнинг иложи йўқ. Унинг асосий белгиси - ҳақиқий жисмоний аниқланган нарсалар дунёсидан, номоддий электрон дунёга ўтиш. Иқтисодий ўзгаришлар истиқболларини баҳолашга ҳам назарий, ҳам амалий олимлар ҳаракат килмоқдалар. Маҳаллий ва хорижий манбаларда рақамлаштириш жараёнлари, хусусан, бизнес муҳитида иқтисодиётни рақамлаштириш илмий ҳамжамиятда ҳам рақамли ечимларни амалга ошириш учун энг фойдали йўналишларни изламоқда.

Рақамлаштириш ҳаётни мураккаблаштириши эмас, балки соддалаштириши керак. Адам Смит томонидан кўрсатиб берилган солиқ тизимининг самарадорлик алифбосида шундай дейилади: солиқлар ўртача, тушунилиши, ҳисобланиши ва тўланиши оддий бўлиши керак.

Рақамли иқтисодиёт ва ҚҚС тушунчасига бир қатор таърифлар берилган. Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси В.Иванов "Рақамли иқтисод - ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит" - деб таъриф берган.М.Л. Калужский рақамли иқтисодиёт - иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа муҳитидир деб таърифлаган. Манбаларда келтирилишича “Рақамли иқтисодиёт” иқтисодиётнинг бундай тури маълум даражада амалда ишлайдиган турдаги модель ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт ҳақида маҳаллий олимлардан Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор С.С. Гулямовнинг “Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари” номли ўқув-қўлланмасида рақамли иқтисодиётга қуйидагича

<sup>1</sup> <https://my.soliq.uz/main/about-portal>

таъриф берилган: “Рақамли (электрон) иқтисодиёт бу – ахборот, жумладан, шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш унинг ўзига хос хусусияти бўлган иқтисодиётдир”.<sup>2</sup>

Россия олимлардан М.О.Клейменова ҚҚС қуйидагича таъриф беради: ҚҚС - бу ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида ундириладиган товарлар нархига устама ҳисобланадиган билвосита федерал солиқ<sup>3</sup>. С.Г. Пепеляев ва Э.В.Кудряшова эса қуйидаги таърифни берадилар: ҚҚС - бу барча ишлаб чиқариш ва тақсимлаш цикли доирасида ҳар бир товар айирбошлаш актдан ундириладиган кўп босқичли истеъмол солиғи<sup>4</sup>. Шунингдек А.А. Тедеев фикрига кўра “ҚҚС товарлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча босқичларида ундириладиган билвосита федерал солиқ”.<sup>5</sup> Иван Горлов билвосита солиқлар “мулкдан эмас, балки маълум бир давлатдан фойдаланишдан олинади” деб ҳисоблаган.<sup>6</sup> Н. Соболев фикрига кўра билвосита солиқлардан фойдаланганда таъкидлади “Солиқ солинадиган товарларнинг бозорга солиқ солинмасдан кириб келмаслиги учун уларни ишлаб чиқаришни назорат қилувчи катта штатни саклаш керак. Ҳар бир заводда корхоналардан маҳсулот ишлаб чиқариш ва чиқаришни назорат қилувчи махсус молиявий агентлар бўлиши керак”.

Француз иқтисодчиси Де-Фовилль фикрига кўра билвосита солиқлар “ҳаракат, факт, айирбошлашга тушади ва қоида тариқасида, тарифлар орқали ундирилади.<sup>7</sup> Немис сотсиалисти Ф. Лассал эса “билвосита солиқлар катта бойлик эгаларини имтиёзли ҳолатга келтиради ва юқори жамиятлар томонидан табақаларни эксплуатация қилишга ёрдам беради”,<sup>8</sup> шунингдек немис иқтисодчиси Алберт Схеффле эса “давлат шахснинг ўртача солиқ қобилиятига эга бўлганлари; жисмоний шахсдан ўтиб кетиш учун - тўловчининг ҳақиқий солиқ қобилиятини фақат солиқ солинадиган субъектларнинг ўзлари билиши мумкин, давлат барча фуқаролардан даромадларини жамғариш ва истеъмол қилиш актларида ўзлари кўрсатган даражада солиқ солади ва бу солиқлар билвосита ҳисобланади” каби фикрларга эга бўлган.

### **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Рақамли иқтисодиёт шароитида ҚҚС бўйича солиқ тизимининг самарадорлигига эришиш омилларини аниқлаш ва аҳамиятлилиги даражасини белгилашда илмий билишнинг фундаментал методологияси асосида шаклланган бўлиб, индукция ва дедукция, диалектик бирлик, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, таққослаш ва ўхшашлик усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот

<sup>2</sup> С.С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019. 32-бет

<sup>3</sup> Клейменова, М.О. Налоговое право: учебное пособие. М.: Московский финансово-промышленный университет "Синергия", 2013. С.215

<sup>4</sup> Пепеляев, С.Г., Попов, П.А., Косов, А.А. и др. Налоговое право. Особенная часть: Учебник для вуза. М: Просвещение, 2017. С.319.

<sup>5</sup> Тедеев А.А. Налоговое право России: учебник для акад. бакалавриата. М: Юрайт, 2018. с.265

<sup>6</sup> Иловайский С.И. “Косвенное обложение в теории” и пракПос Одесса. 1892. с, 108.

<sup>7</sup> Сачофа«ж В. Косвенные налоги и подоходный налог. СПО., 1907. с. п.

<sup>8</sup> Иловайский С.И. Косвенное обложение в теории и практик. Отсса. 1892. С. 87. Цит. по Lasale, Ф, с. 6.

давомида тизимли ёндошувни қўллаш орқали иқтисодий – статистик, тузилмавий – динамик таҳлил қилинган.

### Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий фаолиятнинг бевосита ахбороткоммуникация технологияларининг ривожлантирилиши билан боғлиқ бўлган рақамли маълумотлар воситасида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган электрон, интернет, тармоқ ва виртуал иқтисодиёт кўринишидаги ижтимоий-иқтисодий тизимдир.

2019 йил 6 декабрда Белгиянинг Брюссел шаҳрида Европа комиссиясининг солиқ ва божхона ишлари бўйича (DG TAXUD) томонидан ташкил этилган “Рақамли даврда ҚҚС” конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда ҚҚС маъмурчилигига янги технологияларни жорий этиш, жумладан, блокчейн технологиясининг ҚҚС механизмидаги имкониятлари ҳақида фикрлар алмашилди. Унда Европа иттифоқи блокчейн технологиясини қўллаш ҚҚСда жорий этиш самарали ечим эканлигини таъкидламоқда.



“Blockchain” термини инглиз тилидан кириб келган бўлиб, “занжирли механизм” маъносини англатади. Бошқача айтганда, блокчейн технологияси маълум бир электрон тизим доирасида амалга оширилган битимлар ёки бошқа рақамли ҳодисалар мажмуини ўзида акс эттирган маълумотлар базасидир. Блокчейн технологияси асосида сақланадиган маълумотлар хавфсиз ва шаффоф бўлиб, уларни ўзгартириш имконсиздир. Маълумотлар алмашинуви марказлашган серверларга қараганда анча тез ишлаши каби имкониятлари блокчейн технологиясини интернет оламида оламшумул янгилик даражасига олиб чиқди. Шу сабабдан ҳам ушбу технологияни занжирли механизмга асосланган ҚҚС маъмурчилигида қўллаш бугунги кунда жуда долзарбдир<sup>9</sup>.

<sup>9</sup> <https://yuz.uz/news/blokcheyn-texnologiyasini-qqs-mexanizmiga-joriy-etish-qanday-imkoniyatlar-yaratadi>

I-расм. Солиқ тушумлари<sup>10</sup>

Солиқ қўмитаси ҚҚС тушумларининг ошишини солиқ маъмурчилигининг рақамлаштирилиши орқали қўшилган қиймат занжиридаги узилишларнинг олдини олиш имконияти кенгайтирилгани билан изоҳлаган.

ҚҚС билан боғлиқ ташқи операцияларни, халқаро даражадаги ҚҚС маълумотларини назорат қилиш янада муаммолироқ. Чунки, ҳар бир мамлакат ҚҚС маъмурчилиги бўйича ўз тартиб-қоидаларига эга. Бу эса ҚҚС операциялари устидан назоратни янада қийинлаштиради. Европа комиссияси маълумотларига кўра, 2017 йилда Европа Иттифоқи давлатлари ҚҚС тушумларидан 137 млрд евро (151 млрд доллар) йўқотиш қилган. 2018 йилда эса бу кўрсаткич 140 млрд еврога ташкил этган<sup>11</sup>.



<sup>10</sup> <https://kun.uz/kr/news/2022/05/07/soliq-tushumlari>

<sup>11</sup> <https://yuz.uz/news/blokcheyn-texnologiyasini-qqs-mexanizmiga-joriy-etish-qanday-imkoniyatlar-yaratadi>

Солиқ тизимига, жумладан, ҚҚС маъмурчилигини такомиллаштиришда солиқларни рақамлаштиришнинг афзалликларга мавжуд:

- ҚҚС механизмининг беҳато ишлашини таъминлаш. “Ақли шартнома”ларга (smart contract) асосланган битимлар шаффоф бўлиб, ҚҚС тизимида фирибгарлик ва хатоликлар хавфини камайтиради.

- Солиқ маъмурчилиги такомиллаштириш, шунингдек ҚҚС манфий тафовути суммаларини қайтариш жараёнини, солиқ органлари юкини камайтириш, вақт ва ҳисоб-китоб сарфини тежаш имконини беради.

- ҚҚС мониторинг қилиш, солиқ операцияларини ҳам кузатиш, маълумотларни ўзгартиришмасдан сақлаш имконини беради.

## 2.8-жадвал

### Республикада соҳалар бўйича ҚҚС тўловчи корхоналарнинг 2021-2023йилларда тўланган ҚҚС ва ўтган йилга нисбатан ҚҚС ўзгариши (фоизда) таҳлили<sup>12</sup>

Т/р	Соҳалар	Фаол корхоналар	ҚҚС гувоҳномаси тўхтати	Соҳалар бўйича тўланган ҚҚС			Ўтган йилга нисбатан тўланган ҚҚС ўзгариши	
				2021 й	2022 й	2023 й	2022 йилда тўланган ҚҚС ўзгариши, фоизда	2023йилда тўланган солиқлар ўзгариши, фоизда
	<b>Жами</b>	182932	10008	<b>112 830,5</b>	<b>113 265,2</b>	<b>150 171,8</b>	<b>0,39</b>	<b>32,58</b>
1	Ишлаб чиқариш	16637	681	66 391	59 487	75 492	-10,4	26,9
2	Қурилиш	18549	626	7 053,3	8 395,6	9 774,4	19,0	16,4
3	Транспорт	4128	292	6 703	7 971	12 285	18,9	54,1
4	Банк	35	0	3 948,5	5 502,7	7 681,4	39,4	39,6
5	Суғурта	13	0	108,5	115,1	277,1	6,1	140,8
6	Қишлоқ хўжалиги	45545	2242	2 537,4	2 765,6	2 518,8	9,0	-8,9
7	Пахта кластер	142	0	1 932,7	2 915,9	1 798,6	50,9	-38,3
8	Савдо	64153	3521	11 709	14 507	18 068	23,9	24,5
9	Хизмат кўрсатиш	31076	2489	8 164	9 375	15 381	14,8	64,1
10	Нодавлат нотижорат фаолият	1462	103	756,2	592,6	1 566,6	-21,6	164,3
11	Бюджет	1198	54	3 526,7	1 637,8	5 330,0	-53,6	225,4


Республикада жами ҚҚС тўловчи корхоналар сони 182932 та ташкил этиб, шулардан 10008 та корхонанинг ҚҚС гувоҳномаси тўхтатилган. Шулардан ишлаб чиқариш соҳасида 16637 та, савдо соҳасида 64153 та ҚҚС тўловчилардан 3521тасининг ҚҚС гувоҳномаси тўхтатилган. Банк соҳасида 35 та, суғурта

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

соҳасида 13 та, пахта кластер соҳасида 142 та ҚҚС тўловчилар мавжуд бўлиб махсус гувоҳномаси фаол ҳолатда. Ушбу корхоналар томонидан 150171,7 млрд.сўм солиқлар тўланган. Тўланган солиқлар умумий ҳисобда ўтган йилга нисбатан 32,5 фоизга ўсган.

Эгри солиқлар кўп мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида ҳозирга қадар ўзининг муҳим ўрнини ва амалий аҳамиятини сақлаб келаяпти.

Мамлакатимизда бюджет даромадларини ташкил этишда қўшилган қиймат солиғи самарали ва мақсадга мувофиқ солиқ тизимини ташкил этишда қўйилган ўта муҳим қадамлардан бири бўлиб қолди. Қўшилган қиймат солиғи солиқлардан келадиган фойда ҳамда бошқа тушумлар ҳисобига давлат ўзининг бюджетини шакллантирган. Давлат ўзининг ички ва ташқи вазифалари, ҳар-хил ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети халқ хўжалигини узлуксиз ривожлантириш, илмий техника тараққиётини жорий қилиш, муҳофафиз мустаҳкамлаш, соғлом авлод ва халқ манфаатларини молиялаштириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланади. Давлат бюджети даромадлар қисмини таъминлашда барча солиқлар сингари, жумладан билвосита солиқлар қўшилган қиймат солигининг салмоғи анча юқори бўлмоқда. Бу эса бюджет даромадларини мустаҳкамлайди, бюджетдан бўладиган ижтимоий зарурий харажатларни узлуксиз ўз вақтида мустаҳкам молиялаштириш имконини беради.



**2023 йил**  
**Қўшилган қиймат солиғи** бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 4,7 трлн сўм кам ёки 92,8 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси **60,0 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 7,8 трлн сўмга ёки 14,9 фоизга кўп. Бунда, энергоресурс казиб чиқариш, қайта ишлаш ҳажми пасайиши ҳамда тарифларини кўриб

чиқишнинг кечиктирилиши, дунё бозорида пахта толаси, дон ва кимёвий ўғитлар нархи пасайиши ҳамда ноқулай об-ҳаво шароитида корхоналар харажатининг ошиши солиқ тушумлари йўқотилишига олиб келди

1-жадвал. ҚҚСни рақамлаштиришдаги асосий муаммолар

Муаммо	Муаммо таснифи	Муаммони ечиш йўллари
Рақамли узилиш	Энг кенг тарқалган муаммо солиқ билан ўзаро муносабатлар барқарор бўлмаганда ахборот-коммуникатсия каналларига кириш (масалан, Интернетнинг йўқлиги Ўзбекистоннинг чекка аҳоли пунктлари).	Янги ҳисобот шаклига риоя этишда масъулиятни ошириш; ташкилот узок ҳудудларда интернетга уланиш нукталарини ташкиллаштириш.
Харажат ва мураккаблик	Янги дастурий таъминотни жорий этиш солиқ органлари учун ҳам, солиқ тўловчилар учун ҳам қимматга тушади. Янги дастурларни тушунадиган мутахассислар чекланганлиги.	Солиқ органларининг харажатлари солиқ йиғимини кўпайтиришдан, солиқ тўловчиларнинг харажатларини эса жарималардан қочиш орқали қоплаш; ходимлар учун ўқув семинарлари ташкиллаштириш.
Хавфсизлик ва махфийлик	Инсон омили мавжуд. Кўплаб суистеъмолликлар учун электрон алоқалар очик	Маълумотлар бошқарувчилари фаолияти юзасидан назорат олиб бориш; фойдаланувчи маълумотларини ҳимоя тизимини такомиллаштириш
Маълумотларга ўтиш	Олдинги давр ҳисобот маълумотлари янги форматга мослаштирилмаган	Энг муҳим ҳужжатларни янги форматга ўтказиш
Қонунчиликдаги номувофиқликлар	Мавжуд норматив қонуний база жорий бўлмаган даврда яратилган солиққа тортиш ва ишларнинг холатини ҳисобга олмайди	Амалдаги қонун ҳужжатларини тузатиш, янгиларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш

### Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи кўпгина ривожланган мамлакатларла қўлланилиб, унинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Янги қийматнинг яратилиши бўйича тўловчиларнинг кенг доирада эканлиги, турли туманлиги, солиқ барча маҳсулотларга баробар тегишли бўлиб, шу жиҳатдан республикамиз иқтисодиёти ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Бу солиқни ҳисобаб чиқиш, тўловчи учун ҳам, солиқчи учун ҳам осон ва қулайлиги билан ажралиб туради. Қўшилган қиймат солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ишончли ва барқарор базаси бўлиб ҳисобланади

Мавжуд муаммоларни ўрганиб, муаммоларни бартараф этиш учун янги ҳисобот шаклига риоя этишда масъулиятни ошириш, ташкилот узок ҳудудларда



интернетга уланиш нукталарини ташкиллаштириш керак. Солиқ органларининг харажатларини солиқ йиғимини кўпайтиришдан, солиқ тўловчиларнинг харажатларини эса жарималардан қочиш орқали қоплаш зарур. Шунингдек ходимлар учун ўқув семинарлари ташкиллаштириш, уларни тажрибаларини ошириш, ҳамда маълумотлар бошқарувчилари фаолияти юзасидан назорат олиб бориб фойдаланувчи маълумотларини ҳимоя тизимини такомиллаштириш зарур.

Шундай қилиб, солиқларни шу жумладан ҚҚСни солиқ органлари, солиқ тўловчилар ва дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари ўртасида фақат яхши мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорлик шароитидагина муваффақиятли ракамлаштириш мумкин бўлади.

Рақамли технологияларни янада ривожлантириш ҚҚС тўловчилари ва Солиқ хизмати ўртасидаги мавжуд ўзаро ҳамкорлик форматини такомиллаштириш муқаррар равишда анъанавий ҚҚСдан уни ракамлаштириш орқали ва кейинчалик янги сифат даражасига - ақлли ҚҚСга ўтишга олиб келиши керак.

Смарт ККС (ақлли-ККС) – блокчейн технологиясидан фойдаланишга асосланган, инсон аралашувисиз ҳисобланган ва ундириладиган келажакдаги универсал билвосита солиқ моделидир. Бу йўналишдаги биринчи кадам 2018-йилда, яъни онлайн кассалар жорий этилганида қўйилган эди. Автоматлаштиришнинг бундай тизими солиқ тўловчининг ҳисобварағидан солиқ суммаларини чегириб ташлаш ҳисоб китобни онлайн режим орқали амалга оширилади. Натижада солиқ декларатсиясини топшириш зарурияти бекор қилинади. Инспекторнинг аралашуви эса фақат истисно ҳолларда мумкин.

Солиқ органлари фаолиятини ракамлаштиришда назорат ишларига жорий этилган инноватцион технологиялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Келгусида солиқни ҳисоблаш ва тўлаш устидан назоратни амалга оширишда инсон иштироки минималлаштирилади, чунки солиқ маъмуриятчилиги жараёнлари ракамлаштирилади.

Шундай қилиб, солиқ тартиб-қоидаларини фискаллаштиришнинг муҳим элементларидан бири электрон ҳисобварақ-фактура механизмининг жорий этиш; солиқ тўловчилари учун замонавий солиққа тортиш қоидаларини ишлаб чиқиш; товарларни экспорт қилишдаги тўсиқларни минималлаштириш; электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари учун вақт ва меҳнат харажатларини камайтириш; солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари ходимлари билан бевосита алоқаларини қисқартириш; электрон хужжат айланишини яратиш ва дастлабки солиқ ҳисоботини автоматик равишда тузиш имкониятини таъминлаш; Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш ва солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида бир қатор электрон хизматлар ишлаб чиқиш, солиқ бўйича маслаҳатлар олиш ва солиқ қонунчилигидаги янгиликлар билан таништириш ва энг янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали электрон хизматлар кўрсатиш доирасини кенгайтиришдан иборат. Ушбу сиёсатнинг муваффақиятли амалга оширилиши солиқ тўловчиларнинг вақт юқотилишини минималлаштириш ва солиқ органлари

билан ўзаро муносабатларни имкон қадар қулай қилиш ҳамда солиқ тизимини янада такомиллаштириш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги олий мажлис Мурожаатномаси
4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш Дарслик /Ҳаммуал.: – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009 у. -400 бет.
5. Тошматов, М.М.Комилов. Қўшилган қиймат солиғи Монография Тошкент: 2004 й. -- 184-бет
6. Голик Е. Н. Цифровизация администрирования НДС в системе обеспечения экономической безопасности doi: 10.22394/2079-1690-2021-1-2-103-109
7. Aplin P. Digitalisation of tax: international perspectives. URL: <https://www.icaew.com/-/media/corporate/files/technical/digital-tax.ashx?la=en> (access date: 25.01.2019).
8. Карпова О. М. Трансформации налога на добавленную стоимость в условиях форсированной цифровизации российской экономики текст научной статьи по специальности «экономика и бизнес» ЖУРНАЛ Вестник Томского государственного университета. Экономика 2019
9. Trenta C. European VAT and the digital economy. URL: <https://www.business.unsw.edu.au/About-Site/Schools-Site/Taxation-Business-Law-Site/Documents/imeTrenta-Re-thinking-EU-VAT-paper.pdf> (access date: 25.01.2019).
10. CudahyG. Blockchain reaction. URL: [https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-blockchain-reaction-tech-companies-plan-for-critical-mass/\\$FILE/ey-blockchainreaction.pdf](https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-blockchain-reaction-tech-companies-plan-for-critical-mass/$FILE/ey-blockchainreaction.pdf) (access date: 25.01.2019).
11. . OECD. Co-operative Tax Compliance: Building Better Tax Control Frameworks. URL: <https://doi.org/10.1787/9789264253384-en> (access date: 21.01.2019).
12. Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 115.

13. Афанасенко И.Д., Борисова В.В. Цифровая логистика: учеб. для вузов. СПб : Питер, 2018. 272 с.
14. Что такое цифровизация? URL: <https://www.e-executive.ru/management/itforbusiness/1989667-что-такое-tsifrovizatsiya?scrolltop=1832> дата обращения: 25.01.2019).
15. <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>
16. <https://review.uz/oz/post/>
17. <https://my.soliq.uz/main/about-portal><https://kun.uz/kr/news/2022/05/07/soliq-tushumlari-17-foizga-oshdi-dsq>
18. <https://yuz.uz/news/blokcheyn-texnologiyasini-qqs-mexanizmiga-joriy-etish-qanday-imkoniyatlar-yaratadi>